Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (13.137)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2016 йил — Соғлом она ва бола йили

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Моҳинур учинчи синфда таълим олади. Аълочи, лекин кейинги вақтда негадир паришонхотир бўлиб қолганди. Дарсда ҳам партага тўғри ўтирса, бели оғриётганидан шикоят қиларди.

Онаси шифокорга мурожаат қилди. Текширувлардан сўнг қизчага болалардаги таянч-ҳаракат аппаратлари касалликлари, жумладан, умуртқа поғонасининг қийшайиши (сколиоз) ташхиси қўйилди.

— Қадди-қоматни тўғри шакллантириш, парваришлаш ва мустаҳкамлаш — узоқ жараён, — дейди шифокор Фотима Маҳмудова. — Овқатланиш рационида таркибида кальций сақловчи озиқ-овқат маҳсулотлари кўпроқ бўлишига эътибор қаратиш муҳим. Бу борадаги озгина эътиборсизлик ҳам сколиоз касаллигининг юзага келишига сабабчи бўлади. Умуртқа поғонаси ва кўкрак қафасидаги бу нуқсонлар бутун организмнинг функциялари бузилиши ҳисобланади. Болаларнинг қадди-қоматини тик тутишига ота-оналар болаликдан эътибор беришлари зарур. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари мактаб, коллеж ва бошқа таълим муассасаларида ҳам устоз ва мураббийлар ҳам бу борада эътиборни сусайтирмаслиги керак.

Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она ва устознинг вазифаси – ақлли-ҳушли, келишган ва соғлом болаларни тарбиялашдан иборат. Боланинг тўғри гавда тузилиши, қадди-қомати — халқнинг соғломлик кўрсаткичи, маданиятининг ойнасидир.

Шу боис ҳам шифокорларга тадбиркорлар ҳам кўмакка келмоқда. Хусусан, Чилонзор туманидаги "Bekman-plyus" масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт буюмлари, яъни болалар ва катталардаги умуртқа ўзгаришларида қўлланиладиган махсус бондажлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Қадди-қомат — одамнинг вертикал ҳолатини белгилайди. Ҳар кунги турмуш тарзи ҳам одамнинг қадди-қоматининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин, — дейди корхона директори Абдуманнон Ҳамидов. — Келишган қадди-қомат ҳаётда айрим сабабларга кўра ёмонлашиши мумкин. Ана шунда уни даволашда дори-дармондан ташқари безарар воситалар, тиббиёт буюмлари ҳам ёрдамга келади. Биздаги бондажлар танада нуқсони бўлганларнинг қоматини расо қилишда кўмаклашади. Уларни нафақат мактаб ёшидаги болалар, балки, ёши катталарга мўлжалланган турлари ҳам бор. Бунда катталар учун махсус темирдан фойдаланилса, болаларга пластмасса қўйилади.

(Давоми 2-бетда)

ЁШ ОЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Пойтахтимизда ёш олимларнинг тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган анжуманда академия профессорлари, Тошкент давлат стоматология, Тошкент врачлар малакасини ошириш ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтларининг ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган ёшларни рағбатлантириш, соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мазкур анъанавий илмий-амалий анжуман тиббиёт мутахассислари ва бўлажак шифокорларнинг амалий билимларини мукаммаллаштириш, илмий ишларини намойиш этиш, амалий натижаларни таҳлил этиш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Анжуманда ёш олимлар инглиз тилида маърузалар қилди. Уларда касалликларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш, даволашнинг илғор усуллари ва тажрибаларини қўллаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

– Бу каби анжуманлар мутахассислар ва талаба-ёшларга ўзаро тажриба алмашиш имкониятини беради, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент Тиббиёт академияси проректори Ш.Боймуродов. – Анжуман йилдан йилга оммалашмоқда. Бу йилги анжуманга иштирокчилар томонидан етти юзга яқин илмий иш топширилди. Анжуманнинг инглиз тилида олиб борилгани соҳадаги мутахассисларнинг хорижий тилларни яхши ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига

БУЮК АЖДОДИМИЗНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда Қуролли Кучлар академиясининг профессор ва ўқитувчилари, тингловчилари, Ҳарбий-илмий тадқиқотлар маркази ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғи Ҳомид Дадабоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ қилиш жараёнида шахсий таркиб маънавиятини юксалтириш, юксак салоҳиятли офицер кадрлар тайёрлаш, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Амир Темурнинг ҳарбий санъат соҳасидаги тажрибаси дунё ҳарбий экспертлари томонидан чуқур таҳлил қилинмоқда. Ҳарбий фан тадқиқотчиларининг таъкидлашича, Соҳибқироннинг нафақат саркардалик маҳорати, балки Ватанга муҳаббати, мамлакат фаровонлиги учун шарт-шароит яратишга интилиши Амир Темур қўшинлари кучига куч, қудратига қудрат қўшган, ҳар бир аскар қалбида акс-садо берган.

– Амир Темур ўз таълимотида мурувват, адолат, мардлик, беғаразлик каби фазилатларга катта эътибор қаратган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси катта ўқитувчиси Ў.Ўринов. – Соҳибқирон шахсини ўрганиш, унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини тарғиб қилиш ёш ҳарбий хизматчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

"Темур тузуклари" буюк бобокалонимиз қолдирган бебаҳо мерослардан бири бўлиб, ҳарбий фанни ривожлантириш, халқимизнинг бадиий-эстетик эҳтиёжини таъминлаш ва мафкуравий иммунитетини юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эгадир.

– "Темур тузуклари"да Соҳибқирон фойдаланган қўшинларни тузиш тизими, жанг олиб бориш тактика ва стратегияси батафсил баён қилинган, – дейди академия тингловчиси А.Солиев. – Тузуклар билимимизни бойитиш ва халқимизнинг буюк тарихини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияда Амир Темурнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасига бағишланган маърузалар тингланди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда эксперт гуруҳи ва жамоатчиликнинг ўрни" мавзуида тадбир ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКСПЕРТЛАР ҚАТНАШМОҚДА

Қўмита раиси А.Шодмонов Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилганини таъкидлади.

Қонун ижодкорлиги сифати яхшиланаётгани, ушбу муҳим жараёнга экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилаётгани натижасида қонун лойиҳалари ҳар жиҳатдан пухта тайёрланмоқда. Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида эксперт гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида низом қабул қилингани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, тегишли қонунчилик ҳужжатларини инвентаризация қилиш ва қонун ижодкорлигига оид бошқа тадбирларни ўтказишда қўмита билан экспертлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, ўтган йилда амалга оширилган амалий ишлар самараси, истиқболдаги ҳамкорлик масалалари таҳлил этилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратиш, хусусан, яқин ва узоқ келажакда фан, таълим, маданият ва спорт соҳасига оид қабул қилиниши муҳим бўлган қонунлар юзасидан фикрлашилди. Жорий йилда амалга ошириладиган ишлар ва эксперт гуруҳлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

● Андижон олимпия заҳиралари коллежида "Биз буюк юртнинг баркамол фарзандларимиз!" шиори остида аёллар сув спорти фестивали бўлиб ўтди.

● Қаршида буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини дунёга кенг тарғиб этиш ҳамда таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб яратилган www.sohibqiron.uz сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● Нукусда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 6 жамоа иштирок этди. 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли болалардан ташкил топган жамоалар таништирув, саҳна кўриниши, ижтимоий лойиҳа ва савол-жавоб шартлари бўйича ўз билимини намойиш қилди.

● Урганчда "Ёш чегарачилар" республика ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада танловнинг туман босқичида ғолиб бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жамоалари 16 шарт бўйича баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Исландиянинг янги бош вазири С.Йохансон қасамёд қабул қилиб, ўзининг дастлабки йиғилишини ўтказди.

● Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси вакиллари ва "Россия-2018" жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси аъзолари биргаликда Россияда 2018 йилги жаҳон чемпионати ўтадиган олтита стадионни кўздан кечиришга киришишди. Мазкур ташриф ФИФАнинг нуфузли мусобақага тайёргарлик доирасидаги учинчи хизмат сафари бўлиб, 10 апрелга қадар давом этади.

● Whatsapp ўз мижозларини хакерлардан ва бошқа қизиқувчилардан ҳимоя қилишнинг янги усулини ишлаб чиққанлигини билдирди.

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қирқ нафардан зиёд йигит-қизларни иш билан таъминлаган корхона етти йилдан буён ички ва ташқи бозорга "Тонус" бренди билан қирқ беш турдаги тиббиёт буюмларини етказиб бермоқда. Дастлаб битга қарши шампунь ишлаб чиқарган корхона пресслаб, қадоқланган исириқлар тайёрлашни йўлга қўйди. Вақт ўтиши билан янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, тикув цехи ташкил этилди.

Тикув цехида саккиз хилдаги ўттиздан ортиқ тикув машинаси мавжуд бўлиб, уларда энг мураккаб чокларни ҳам бежирим тика оладиган моҳир тикувчи қизлар меҳнат қилмоқда. Мисол учун, қариялар, семиз, яъни оғирлигидан қаддини кўтаришга қийналадиганлар, ётиб қолган беморларга мўлжалланган тиббиёт буюмларини тикиш анча қийин. Маҳсулотлар совғабоп, чиройли қадоқларда сотувга чиққунга қадар 4-5 марта сифат назоратидан ўтади. Пахталик матодан тикилган, орасига махсус темир ёки пластмассани моҳирлик билан жойлаштириш туфайли инсон қаддини тик тутишига кўмак берадиган буюмлар дорихоналар орқали савдога чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимиз ранг-баранг, — дейди корхона директори А. Ҳамидов. — Биз учун энг муҳими маҳсулотнинг сифати. Агар сифат бўлмаса, тадбиркор бозорга кириши керак эмас. Ахир, эл орасида сифатсиз маҳсулот билан ҳурмат қозониб бўлмайди. Рақобатга бардош бера олмаган тадбиркор эса ўзига бошқа иш қидириши керак. Биз учун янгиликлар қилиш, янги ғоялар қидириш муҳим. Мисол учун, аввалари Ҳиндистондан валютага олиб келинган кўкрак қафасини тик тутувчи бондажларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Энди бу маҳсулотнинг ҳам нархи арзонлашди, ҳам валютамиз тежалмоқда.

Корхона ҳар ойда ўн мингтадан ортиқ, бир-бирини такрорламайдиган маҳсулотларни харидорларга етказиб бераётир. Улар орасида хорижликларнинг эътиборини тортаётганлари ҳам талайгина. Қозоғистон, Россия, Жанубий Корея каби давлатларга ўтган йили етти турдаги маҳсулот етказиб берилди. Улар орасида туя жунидан тайёрланган шифобахш кўрпалар ҳам бор.

Яқиндан корхона жамоаси гуруч қобиғидан тўшак тайёрлашни бошлади. Шу вақтга қадар ҳеч кимга керак бўлмаганидан, чиқиндига ташланган бу хомашё инсон танаси учун фойдали эканлиги аён бўлди. Сир эмас, бешикка мўлжалланган кўрпачаларга камдан-кам ҳолларда пахта ёки туя жуни солинади. Кўпинча тариқ ёки шунга ўхшаш донли маҳсулотлардан фойдаланилади. Негаки, улар вақт ўтиши билан қотади. Тариқ ёки гуручнинг қобиғи эса гўдакнинг ҳаракатига мос равишда ўзгариб тургани боис боланинг кураги қотиб қолмайди. Янги маҳсулот ҳам ўзига хос фойдали жиҳатларга эга.

Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши бу жамоани яна бир янгилик қилишга ундади. Ҳомиладор аёлларга мўлжалланган қишги ва ёзги бондажлар ҳам ўз харидорини топмоқда. Пахтали матодан тайёрланган бу буюмларни тўртта размерга мослаштириш, катта ва кичик қилиш мумкин. Бел қисмини терлашдан асраш учун ёз фаслига мўлжалланган турида докадан фойдаланилган.

— Ҳеч бир маҳсулотимиз ўзидан ўзи яратилиб, дорихоналарга тарқатиб юборилмайди, — дейди тадбиркор. — Уларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш учун аввало, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати олинади. Тегишли сертификатлар керак бўлади. Маҳсулотларимиз инсонларга мўлжалланган боис, икки ой соғлиқни сақлаш тизимида синовдан ўтказилади. Агар синов самарали ўтсагина, инсонларга фойдали эканлиги аниқлангандан кейингина тегишли рухсатнома асосида ишлаб чиқаришни бошлаймиз.

"Bekman-plyus" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган юмушлар, унинг интилувчан, тадбиркор раҳбарининг аҳоли манфаати, саломатлиги йўлида қилаётган янгиликларини кузатиб, омадлар тилаган ҳолда, хайрли ишлардан асло чарчаманг, дея тилак билдириб қоламиз.

С.ВОҲИДОВА



Танловлар

ИҚТИДОР ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Мамлакатимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ўз фаолиятини ёшлар ҳаёти, фикри, тафаккури, орзу-интилишлари ва камолоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бормоқда.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган турли танлов ва лойиҳалар ўз натижасини бермоқда.

Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тизимида фаолият олиб бораётган сардорларнинг билим ва кўникмаси, қобилияти, эришган натижалари, таклиф ва ташаббусларини баҳолаш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, фаол сардорларни рағбатлантириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида "Камолот" ЁИҲнинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари сардорлари ўртасида "Йил сардори" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

"Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан умумтаълим мактабларининг "Камолот" ва "Камалак" сардорлари ўртасида "Йил сардори" кўрик-танловининг туман босқичи ташкил этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар барча иштирокчиларни Ватанни севишга, юртга муносиб фарзанд бўлишга, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишга ундашди ва қатнашчиларга омад тилашди. Кўрик-танловнинг саралаш баҳсларида туманда жойлашган 32 та умумтаълим мактабларидан жами 32 нафар танловнинг мактаб босқичида ғолиб бўлган Ҳаракат сардорлари иштирок этишди. Муросасиз ўтган беллашувларда иштирокчилар "Камолот: мен ва имкониятларим", "Иқтидор ва қобилият", "Билимлар баҳси" ҳамда "Тақдимот" каби 4 та шарт бўйича ўз салоҳиятларини синаб кўрдилар.

Уч кун давомида 131-умумтаълим мактабида ташкил этилган танловнинг туман босқичида барча шартларни моҳирона бажарган 179-умумтаълим мактабининг "Камолот" сардори Мафтуна Боймирзаева 1-ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди. Кейинги ўринлар 90-умумтаълим мактабининг Иқтидорли ёшлар йўналиши сардори Муҳаммадали Раҳмоналиев, 79-умумтаълим мактабининг Спорт, саломатлик ва экология йўналиши сардори Ҳилола Умбарова, 178-умумтаълим мактабининг "Камалак" сардори Мафтуна Абдурасулова ҳамда 103-умумтаълим мактабининг Матбуот йўналиши сардори Севара Ҳатамбековаларга насиб этди. Танлов ғолиблари "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Йил сардори" кўрик-танловининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари босқичи Тошкент банк ҳисоб-кредит касб-ҳунар коллежида ташкил этилди. Танловнинг туман босқичида 17 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан жами 17 нафар сардорлар қатнашдилар. Беллашувларда иштирокчилар 4 та шарт бўйича ўз билим ва иқтидорларини намоён этдилар. Танлов якунлари бўйича 1-Тошкент педагогика коллежининг Иқтидорли ёшлар йўналиши сардори Диёра Абдуллажонова ўзининг салоҳиятини муносиб намойиш этиб, 1-ўринни эгаллади ва танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди. 1-Республика тиббиёт коллежининг Спорт, саломатлик ва экология йўналиши сардори Мавлуда Юсупбоева 2-ўринни, Тошкент банк ҳисоб-кредит касб-ҳунар коллежининг Ахборот таҳлил йўналиши сардори Зарнигор Аҳматова 3-ўринни эгаллашди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид НАБИЕВ

* * *

Сергели тумани 104-умумтаълим мактабида "Йил сардори" кўрик-танловининг қуйи босқичи ўтказилди.

Танловнинг 1-шартида мактабнинг "Камолот" сардорлар Кенгашининг 7 нафар ўқувчилари қатнашди. Ҳар бир ўқувчи "Камолот" ЁИҲ, бошланғич ташкилот ва ўзининг сардорлик фаолиятини бадиий чиқиш орқали ифода этди. 2-шартда иштирокчилар шеърият, санъат, тасвирий ва амалий санъат, спорт, шунингдек, интеллектуал ижод соҳасида ўз истеъдоди ва қобилиятларини намойиш этишди. Кейинги шартда иштирокчилар 5 дақиқа давомида ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва "Камолот" ЁИҲ, бошланғич ташкилот ҳамда сардорлик фаолиятига оид саволларга жавоб бердилар.

4-шартда эса ҳар бир иштирокчи ўзи фаолият юритаётган йўналишда амалга оширган ёки амалга оширишни режалаштирган энг ёрқин ва самарали ишларини ва лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг шартларни бажариш маҳорати, даражаси ва чиқишининг мазмуни, иқтидори ва қобилиятига қараб, жавобнинг тўғрилиги ва тўлиқлигига, мавзунинг очиб берилганлиги, лойиҳанинг долзарблиги, ўзига хослиги, янгилиги, кўлами, самараси, мактабда олинган билимларнинг акс эттирилиши ҳамда нотиқлик ва тақдимот қилиш маҳоратини инобатга олган ҳолда баҳолашди.

Натижаларга кўра 1-ўрин "Меҳр-саховат" йўналиши сардори 8-синф ўқувчиси Сардор Исматов, 2-ўрин "Камолот" сардори 9-синф ўқувчиси Гулруҳ Нуруллаева, 3-ўрин "Матбуот" йўналиши сардори 8-синф ўқувчиси Дилором Ирисметоваларга насиб этди. Иштирок этган ўқувчилар "Камолот" ЁИҲ томонидан диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲУРМАТ ВА ЮКСАК МАДАНИЯТ

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири – бу одамларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни шу руҳда камол топтириш, фуқароларнинг қонунни пухта билиши, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу борадаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, академия бошлиғи Ш.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам қонунчилик асоси ҳамда самарали механизми шакллантирилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифат, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий маданияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмати, қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортмоқда. Бу демократияни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминламоқда.

Аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада қонун ижодкорлари, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Улар аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, уларни ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий суд, Адлия, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва бошқа идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ҳуқуқий таълим-тарбияни янада юксалтириш, бу борада олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ҳаётга татбиқ этиш каби масалалар юзасидан фикрлашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида "Uzmobile" мобиль алоқа миллий операторини ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МОБИЛЬ АЛОҚА ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

"Uzmobile" мобиль алоқа миллий операторининг тижорат директори В.Кравченко ва бошқалар аҳолини сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш мақсадида пухта ўйланган давлат сиёсати асосида мобиль алоқа жадал ривожланаётгани, кенг полосали технологиялар жорий этилаётгани, янги базавий станциялар ишга туширилаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 12 февралдаги "Мобиль алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу жараённи такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган "Uzmobile" мобиль алоқа миллий оператори телекоммуникация хизматлари бозорида CDMA ва GSM стандартларида сифатли мобиль алоқа билан ишончли таъминловчи сифатида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. Компания савдо пунктлари сони кўпайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида компаниянинг 20 савдо ва хизмат кўрсатиш офиси, мамлакатимиз бўйича эса 110 дан ортиқ савдо пункти фаолият кўрсатаётир.

– Миллий мобиль алоқа оператори 2015 йил 15 апрелда GSM тармоғини ишга туширди, – дейди "Uzmobile" мобиль алоқа миллий оператори бизнесни ривожлантириш ва маркетинг хизмати бошлиғи М.Слягин. – Ўтган вақт давомида мазкур тармоққа 500 мингдан зиёд абонент уланди. Компания хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида янгиликлар, инновациялар мунтазам жорий этилмоқда. Жумладан, овозни сифатли узатадиган HD Voice технологияси ишга туширилди.

Ўтган йили компания GSM стандарти халқаро мобиль алоқа операторлари ташкилоти – GSM ассоциациясига қўшилди. Дунёдаги 800 дан ортиқ уяли алоқа оператори ушбу ассоциация аъзосидир. "Uzmobile" ушбу ташкилотга аъзо бўлгач, овозли хизматлар ва SMS-роуминг хизматини кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилда компания кўплаб лойиҳалар, хусусан, мобиль алоқа хизматларини кенгайтириш, компания хизматларини "Электрон ҳукумат" тизимининг айрим элементлари билан интеграциялаштириш, талабалар, ёш мутахассислар, тадбиркорлик субъектларини мамлакатимиз IT муҳити ва телекоммуникация ҳамжамиятига жалб этишга кўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд янги маҳсулотларни жорий қилиш лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирган.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ РОЛИ

Миллат тарихи ва аждодлардан қолган маънавий меросни ўрганиш, миллий анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида қараш ҳар бир ўсиб келаётган авлоднинг муқаддас бурчидир. Бу эса ёшларни маънавиятли, руҳан тетик, соғлом фикрлайдиган, халқимизнинг бугуни ва эртаси учун фидокорона хизмат қиладиган инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида бўлиб ўтган "Етук мутахассис кадрларни тайёрлашда маънавий ва маърифий ишларнинг роли" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда сўзга чиққан Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев ва бошқалар ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти, маърифати ҳар жиҳатдан юксак шаклланган бўлиши муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, дунёқараши, тафаккур доираси кенг, билимли ва салоҳиятли кадрларгина ўз бурчини чуқур ҳис этган ҳолда юртимиз тинчлиги ва осойишталигига камарбаста бўла олади.

Шу боис Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида тингловчи ва курсантларнинг маънавий ва маърифий билимларини юксалтириш, дунёқарашини шакллантириш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётир. Кўплаб маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уларда бугунги нотинч ҳаётда авж олган турли ахборот хуружлари ва фитнагар гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолмаслик, аксинча, уларнинг ғараз мақсадларини англаб, уларга қарши онгли равишда курашиш борасида тушунчалар берилмоқда.

Буюк бобокалонларимиз, муқаддас заминимизда яшаб ўтган олиму фузалоларнинг амалга оширган эзгу ишлари, яратган дурдона асарларини ўрганиш, илму салоҳият бобида бутун жаҳон тан олган аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур билиш ёшларнинг маънавий салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этиши маърузачилар томонидан айтиб ўтилди.

– Тингловчи ва курсантларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Рашид Абдусаломов. – Миллий ва маданий меросни, аждодларимиз босиб ўтган йўл, миллатимиз учун қилган буюк ишларини яхши билган ва буни ҳис қила олган ёшларгина Ватанни сева олади. Бугунгидек тадбирлар, бу борада қилинаётган ишлар ёшларни маънавий жиҳатдан юксалтириш билан бирга ватанпарвар бўлиб ўсишига ҳам ҳисса қўшади.

Абдували СОДИҚОВ

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига


Ислом Исмоилов олган сурат

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

СОҲИБҚИРОН МЕРОСИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда тарихчи олимлар, ҳарбий хизматчилар, курсантлар иштирок этди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Амир Темур ҳарбий санъати билан бир қаторда унинг маънавий ва маданий мероси ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Тадбирда курсантларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялашда Соҳибқироннинг бой мероси муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

(ЎзА)

Президентимиз раҳнамолигида тарихимизни теран, холисона ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда.

ТАРИХИЙ АСАРЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатларни сақлаш, тизимлаштириш ва қайта тиклаш, ёзма ёдгорликларни ўрганиш ва нашр қилиш, уларнинг илмий тавсифларини тузиш борасида фаолият кўрсатаётган ана шундай илмий муассасалардан саналади.

– Темур ва темурийлар даврига оид манбаларни ўрганиш давлатчилик асослари, ҳуқуқшунослик, ҳарбий санъат, илм-фан, адабиёт, маданият ва маърифат, меъморлик, шаҳарсозлик, маънавиятга оид қимматли маълумотларга эга бўлишда алоҳида аҳамият касб этади, – дейди ЎзА мухбирига марказ директори Неъматулло Муҳамедов. – Ўша даврга оид қўлёзмаларни ўрганиш ва китоб ҳолида чоп этиш ёш авлодни ватанпарварлик, юрт тақдири учун дахлдорлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Илмий жамоа томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар орасида Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларни ўрганиш, уларни китоб ҳолида чоп этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йўналишдаги бир қатор ноёб қўлёзмалар ўрганилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн” каби асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Муъиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворихи Муъиний” (“Муъинийнинг танланган тарихлари”) асари темуршунос олим Ғулом Каримов томонидан нашрга тайёрланиб, китоб ҳолида чоп этилди.

Тарих фанлари доктори Дилором Юсупованинг “Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди” китоби ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Машҳур тарихчининг бир нечта асари асосида тайёрланган ушбу китобда темурийлар даври маданияти, санъати, илм-фан ривожи баён этилган. Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган Фасиҳ Ҳавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” (“Фасиҳий мажмуаси”) асари ҳам илмий изоҳлар билан нашр этилган.

Соҳибқирон бобомизнинг тарихий ёзишмалари наинки олимлар, тарихчилар, балки кенг китобхонлар учун ҳам қизиқарли. Шу боис марказда Темур давлатининг дипломатик ва савдо алоқалари, Амир Темур ёзишмалари, Соҳибқирон хатларининг идентификациясига оид илмий монографиялар, мақолалар манбашунос олим Санжар Ғуломов томонидан тайёрланмоқда.

Амир Темур ва темурийлар даврини тадқиқ этишга оид бундай изланишлар ёш авлодда миллий ўзликни англаш, буюк аждодларимиздан фахрланиш, миллий ғурур туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Маълумки, бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризм инсоният учун катта муаммога айланиб бормоқда.

Беқарорлик келтириб чиқаришдан манфаатдор бўлган кучлар домига тушиб қолаётган, уларга билиб-билмай эргашаётган ва тинчлигимизга рахна солишга уринаётганлар сафида эса юртимиз фуқароларининг ҳам борлиги ҳар биримизни янада огоҳ бўлишга, бузғунчи ғояларга қарши ҳамкорликда курашишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

Динни ниқоб қилиб, ёшларимиз онгига турли хил экстремистик ва террористик ғояларни сингдиришга уринишлар ҳозирги вақтда авж олиб кетди. Бундай бузғунчи ғоялар ўртасидаги мафкуравий полигон кенг миқёсда дунё бўйлаб тарқалганлиги ҳар бир оқил инсонни хавотирга солмоқда.

“Соғлом деганда биз фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки, ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди”, дейди Президентимиз.

Бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишга тайёр, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, бугунги замон воқелигига очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарайдиган, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган, иродаси бақувват, иймони бутун ва виждонан уйғоқ ўқувчи-ёшларни тарбиялаш, уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу мақсадда Тошкент архитектура ва қурилиши институти қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, туман ички ишлар бошқармаси, туман “Аёллар маслаҳат маркази”, Олмазор тумани “Тўлқин Акром ўғли” жомеъ масжиди ҳамкорлигида “Соғлом миллат — буюк ишларга қодир” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда сўзга чиққанлар ҳам айни пайтда диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё мамлакатлари хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани, хусусан, ёвуз ниятли диний экстремистик ва террорчи оқимларнинг тарафдорлари халқимизнинг тинч-тотув ҳаётига рахна солишга, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни йўлдан оздиришга ҳаракат қилаётгани ҳақида ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб ўтдилар. Давлатимиз айни пайтда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида изчил сиёсат юритиб келмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида республика, вилоят (шаҳар) ва ҳар бир туманда диний экстремизм, терроризм ва конституцион тузумга тажовуз қилиш билан боғлиқ оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олишга жиддий эътибор берилаётир.

Семинарда ғаразли кучларнинг асосий нияти – ҳали ҳаётий тажрибаси, савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабиҳ ниятлари йўлида фойдаланиш экани, фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Аҳолининг билим ва тафаккурини бойитиш, мафкуравий хуружларга қарши курашда ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга эътибор ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлиги айтиб ўтилди.

Ҳар томонлама етук, билимли ёшларгина ўзларининг соф иймон-эътиқоди билан билимининг самарасини тўғри, фойдали нарсаларга йўналтириб, ўзига ва атрофидагиларга, шу жумладан жамиятга фойда келтириши, ахлоқий бўшлиқнинг олдини олиб, кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик? Биз кимларнинг авлодлари эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Семинар сўнгида “Одам вируси ёхуд адашганлар қисмати” фильми намойиш этилиб, унинг мазмун-моҳияти юзасидан ўқувчилар билан баҳс ва мунозара ўтказилди. Шунингдек, бу иллатларга қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Замира АЗИМБОЕВА,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати етакчи услубчиси

АМИР ТЕМУРНИНГ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ХИЗМАТЛАРИ

Бу йил Амир Темурнинг 680 йиллик юбилейи нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда кенг нишонланади. Амир Темурнинг сиймоси мангуликка дахлдор бўлиб, бутун башариятни эзгуликка чорлаб туради. Соҳибқироннинг маънавиятга, илм-фанга қаратган юксак эътибори, бой илмий ва маданий мероси ҳозирги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир.

Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан “1996 йил — Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижасида Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилди ва 1996 йил 22-24 апрель кунлари Парижда халқаро миқёсда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилей тантаналари кенг нишонланди. Бу тарихий воқеа бўлиб унинг ўчмас хотираси, жаҳон фани ва маданияти ривожланишидаги буюк хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиром бўлди. Амир Темур орқали дунё халқлари олдида ўзбек халқи қандай миллат эканлиги намоён бўлди. Дунё аҳлининг Амир Темурга кўрсатган бу қадар юксак эҳтироми халқларимизга кўрсатилган чексиз ҳурмат ифодасидир.

Дарҳақиқат, Амир Темур Самарқандни дунёдаги машҳур шаҳарлар даражасига кўтарган. Унинг шуҳратини жаҳонга машҳур ва маълум қилган. Дунёнинг машҳур олим-у, фузалоларини тўплаб, илм-фан тараққиётининг марказларидан бирига айлантирган. Шу боис, Самарқанд шаҳри ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюрувчи сайёҳлар диққатини ўзига тортиб келмоқда.

Самарқанд шаҳри Амир Темур ва Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида дунёга донғи кетди. Унинг дунё халқлари цивилизациясида ўзининг бетакрор ўрни билан ажралиб туради. 1996 йил 28 август куни Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланганлиги бунинг яққол далилидир.

